
Кўп квартирали уйларнинг ички йўллари мукамал таъмирланмоқда
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли кайфиятига тўғридан-тўғри таъсир қиладиган ўта масъулиятли соҳалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун инobatга олган ҳолда, Бағдод туманида ҳам кўп квартирали уйларда истиқомат қилувчи фуқаролар фаровонлигини таъминлаш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тумanning "Бўстон" даҳасида жойлашган 76-уйнинг ички йўлаклари таъмирталаблиги боис, фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими ташаббуси билан мазкур уйларнинг ички йўллари бетон қопламаси билан қопланиб, мукамал таъмирланди. Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.
2022-11-09 15:16:43